## Жонажон Ватан бўйлаб

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

### Ленинград области

Ленинград қишлоқ хўжалик институтининг олимлари яратган приборлар техникавий хизмат станциялари иш унумини анча оширади. Масалан, электрон датчиклар билан жиҳозланган ихчам бир қурилма трактор ёки комбайннинг пухталигини тез ва бехато аниқлаб беради. Деталларида куйинди йиғилиши сабабидан секинлаб қолган дизель мотор қувватини бир неча минутда тиклашга қодир автомат стенд синовлари куни кеча муваффақиятли тугади. Институт лабораторияларидан устахоналарга ўнлаб приборлар ва аппаратлар келтирилдики, улар ремонт бригадаларининг ишончли ёрдамчилари бўлиб қолди.

### Ашхобод

Каспий балиқчилари кўп йиллик қатағондан сўнг машҳур Бражников сельд балиғини яна саноат кўламида овлашга киришдилар. Каспий балиқ хўжалиги илмий тадқиқот институти Туркманистон бўлимининг мутахассислари бунда уларга ёрдам бердилар. Яқинда кефаль балиғи саноат кўламида овланадиган балиқлар қаторига кирди. Ҳозир Красноводск ва шимолий Челекен кўрфазларида қисқичбақа овлайдиган янги қурол синовлари тугамоқда.

### Ереван

Карл Маркс номидаги Ереван политехника институтининг студентлари учинчи меҳнат семестрини саёҳатда ўтказмоқдалар. Улар «Айрудзи» отлиқ агитация отряди составида зарбдор комсомол қурилишларига, республиканинг олис тоғлиқ қишлоқларига жўнаб кетдилар. (IV асрда арман отлиқлари шундай деб аталарди). Шу ғалати агитбригаданинг ҳаваскор артистлар, лекторлар ва пропагандистлар, комсомол активларидан иборат аъзолари юртдошлар билан суҳбатлар ўтказадилар, уларга лекциялар ўқийдилар, миллий қўшиқ ва рақслар асосида тузилган концерт программасини, студентлар тиклаган қадимги от ўйинларини кўрсатадилар. Ёзлик каникул даврида шундай томошалар кўрсатиш яхши анъана бўлиб қолди.



△ ОРЕНБУРГ ОБЛАСТИ. Бугуруслан педагогика билим юртининг расм чизиш ва материални бадиий қайта ишлаш ўқитувчиси Юрий Евстафьевич Останиннинг уйини музейга ўхшатиш мумкин. У уйининг деворларини турли хил ёғочда ишланган буюмлар билан тўлдириб ташлаган. Бундай буюмлар сони юздан ошади. У ўзининг бўш вақтларини ёғочга нақш солишга бағишлаяпти. Тақсимча ва идиш товоқлар, қошиқлар ёғочдан шундай чиройли ишланганки, кишининг ҳаваси келади. Ҳозир у ўзининг шахсий виставкасини намойиш қилишга тайёргарлик кўряпти.

СУРАТДА: Ю. Е. Останин ва унинг ёғочдан ишлаган буюмлари.

А. Поддубний фотоси,

### Киров

Юқори Кама фосфорит конида ишга тушган янги флотация фабрикаси ўғит тайёрлаб чиқара бошлади. Бу ерда фосфорит талқони олинди. Илгари яроқсиз жинс сифатида уйиб қўйиладиган чиқитлар янги корхона учун хом ашё бўлиб хизмат қила бошлади. Корхона лойиҳадаги қувватга эришгач, агросаноат меҳнаткашлари юқори Камадан қўшимча 200 минг тонна қимматли минерал ўғит оладилар. Шундай қилиб, фосфорит конидаги ишлаб чиқариш технологияси чиқитсиз бўлиб қолади.

## «Оқшом»га ХАТЛАР



Меҳри қуёш оналаримизга ҳар қанча иззат-ҳурмат кўрсатсак арзийди. Кўп болани тарбиялаётган қаҳрамон икки мингга яқин онахон яқинда Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида меҳмон бўлишди. Улар соя-салқин ва хушманзара боғ қучоғида мароқли дам олиб, санъаткорларнинг чиқишларини завқ-шавқ билан томоша қилдилар.

СУРАТДА: қаҳрамон онахонлар иззатда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

### Аҳоли турар жойларида

## ЖОНКУЯРЛИК КЕРАК

Қорақамиш массивидаги «Факел» ва «Орлёнок» клубларидаги аҳвол яхши эмас. Истиқоматчиларнинг ҳеч бири турар жой участкаси ташкилотчиси ким эканлигини айтиб беролмади. Бинобарин, ёзги каникул кунларида ўз уйларида яшаётган ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш устида ҳеч ким бош қотираётгани йўқ. Улар тез-тез клубларга келиб, хабар олиб турибди. Ҳар сафар қулф осилган эшикларни кўриб, ҳафсаласи пир бўлиб, қайтиб кетишмоқда.

— Болаларнинг ижодкорлигини ошириш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун нималар қилинаяпти?

Бу саволимизга «Собир Раҳимовчи» клубининг педагог ташкилотчиси Д. Васильева шундай жавоб берди:

— Болалар ва ўсмирлар қизиқарли конкурслар, турли оммавий мусобақаларга жалб қилинмоқда. «Тошкент» денгизи ва «Ботаника боғи»га саёҳатларда қатнашишмоқда. Тез-тез уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ташкил қилмоқдамиз. Тўғрисини айтганда, бу тадбирларни амалга ошириш жуда қийин бўлаяпти. Спорт инструктори йўқ, тўгараклардаги машғулотларни олиб борадиган педагог-ташкилотлар ҳам етишмайди. Спорт майдонларининг аҳволи талаб даражасида эмас. Волейбол, футбол, чим-хоккей мусобақаларини ўтказиш учун шароит бор дейиш мумкин. Оммавий мусобақалар ташкил этиш учун доимо жой қидирамиз. Сузиш ҳавзаси ҳамиша қуп-қуруқ. Спорт анжомлари, жиҳозлари жуда кам.

Райондаги ҳар уч клубда ҳам шундай аҳвол мавжуд. Назаримизда район спорт комитетининг ходимлари, ЖЭУ раҳбарлари физкультура ва спорт ишларини ташкил этишга масъул бўлган оталиқ ташкилотларининг раҳбарлари аҳолининг бўш вақтини мазмунли ташкил этишнинг моҳиятига ҳали тушуниб етишмаган кўринади. Улар КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида қўйилган талабларни бажариш ҳақида ўйлаб кўришса яхши бўларди.

Н. ТОЖИЕВА.

### Газетхон хабар беради...

## Аҳолига қулайлик

«Марказ-17, 18» кварталларида кўплаб тўққиз қаватли турар жой бинолари қад кўтармоқда. Шу йилнинг ўзида бу ерда бешта ана шундай йирик кўркам бинолар фойдаланишга топширилади ва азиз ҳамшаҳарларимиз бу уйларда ҳовли тўйлари ўтказишади. Аҳоли учун қулайлик туғдириш мақсадида ана шу кварталда савдо шохобчалари қуриб битказилмоқда. Яқинда тўққиз қаватли бино ёнида замонавий янги дорихона фойдаланишга топширилди. Хизматчилари ва аҳоли учун барча қулайликларга эга бўлган бу дорихонада бир қанча бўлимлар мавжуд бўлиб, кенг ва ёруғдир.

О. МАКСИМОВА.

### таклиф этади...

## Топиш амри-маҳол

Шимолий-Шарқ массивида кўплаб турар жой бинолари мавжуд. Бундан етти-саккиз йил муқаддам ана шу массивда сув ва музқаймоқлар билан савдо қиладиган дўконлар бор эди. Аммо бугунга келиб сув сотадиган автоматлар ва дўкончалардан ном-нишон ҳам қолмади. Фарзандларимиз кўпинча музқаймоқ еймиз деб жон-ҳолимизга қўйишмайди. Аммо уни топиш амри-маҳол. Шаҳар марказидан олиб келгунча эриб кетади. Бизнинг истагимиз шуки, массивимиздаги гавжум жойларда ҳар хил шарбатли ичимликлар билан савдо қиладиган ва музқаймоқ сотадиган махсус кичик дўкончалар очилса.

У. АКБАРОВ,
шаҳар «Союзпечать» агентлигининг газета бўлими бошлиғи.

### танқид қилади

## Наҳотки кўришмаса?

Сизларга абразив комбинати атрофида яшовчи аҳоли номидан хат йўллаяпмиз. Киров районида жойлашган бу корхона атрофидаги Тульская кўчасида ана шу ишхонанинг бир қанча турар жой бинолари жойлашган. Сервантов кўчасидаги йўлнинг ўртасида битта катта ўпқон бор. Бу ўпқондан завод ишчилари яшайдиган иккита тўрт қаватли бинонинг канализация суви бемалол, қишин-ёзин оқиб ётади. Шунинг учун ҳам аҳоли бу йўлдан юришга жуда қийналади. Корхона раҳбарлари ва район санитария-эпидемиология станциясининг лоқайдликка барҳам бериш вақти етмадимикин.

ХАЛИЛОВ, ҲАБИБУЛЛАЕВА.

## Тўқимачилар ҳузурида

Ўзбекистон телевидениеси адабий-драматик кўрсатувлар бош редакцияси ходимлари давр талаблари асосида қатор таъсирчан формадаги кўрсатувлар тайёрламоқдалар. Шулардан бири шу кунларда телеэкран орқали намойиш этилган телевизион миниатюралар театрининг навбатдаги программаси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Ижодий ходимлар ўз программасини ҳаётий масалалар билан узвий боғлаш мақсадида ишчилар ҳаётидан олинган темалар асосида ишлаганлар. Чунончи, Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари билан мазкур мулоқот ўзининг актуаллиги билан ажралиб туради.

«Фабриканинг йўлида...» деб номланган кичик миниатюра билан бошланган кўрсатув олдидан комбинатнинг донгдор ишчилари билан олиб борилган суҳбатларда меҳнат кишиларининг фикр-мулоҳазалари, эришган муваффақиятлари ҳақида кенг томошабинлар ҳам таништирилди. Пардозлаш цехидан Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Карим Ражабов, Ленин ордени, II ва III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери Сирожиддин Пўлатовлар билан бўлган суҳбатлар анча жонли чиққан. Сўнгра маданият саройида намойиш этилган «Хўп десангиз», «Ўғил уйлантиришдан сўнг», «Мойли жой», «Бу гапни сизга айтдим, сиз бировга айтманг» каби кичик театр саҳналарида шу куннинг долзарб проблемалари ҳақида фикр юритилади. Унда ҳаётимизда учраб турадиган айрим салбий ҳодисалар аччиқ кулги остига олинади.

Ўткир сюжетли бу интермедияларнинг авторлари Саид Аҳмад, Алп Жамол, Анвар Тожиев, Неъмат Саидхонов, Мухтор Худойқулов ва бошқалардир.

Ижрочилар ҳам ҳар бир ролни маромига етказиб томошабинларга етказиб бера олганлар. Бунда режиссёрлар Эргаш Каримов ва Эргаш Султоновларнинг ҳамда редакторлар Эргаш Раимов, Мурод Раҳмоновларнинг ҳам ҳиссаси катта. Мазкур редакция ходимлари бу хайрли ишни бошқа ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам давом эттириш ниятидалар.

Б. КАРИМОВ.

## Ўсмирлар клублари

Турар-жойларда болалар билан яқиндан шуғулланиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида шаҳримиздаги ЖЭКлар ҳузурида ўсмирлар клублари ташкил этила бошланди. Сергели районидаги 57-ЖЭКка қарашли бундай клуб «Огонёк» деб номланди.

Бу ерда ҳозир 10 дан ортиқ турли тўгарак ва спорт секциялари ишлаб турибди. Райондаги 6-ўрта мактабнинг кўпчилик ўқувчилари ёзги каникулни шу даргоҳда мазмунли ўтказмоқдалар.

Ленин районида ҳам яқинда бундай клуб иш бошлади. Уни ташкил этишда 73-ЖЭКка 31, 94, 110-мактаблар педагогик коллективлари яқиндан ёрдам бердилар.

Ҳозир бу ерда бир неча майдонча ва бассейнлар бор. Яқин орада клуб ўзининг «саломатлик» спорт шаҳарчасига ҳам эга бўлади.

С. ОДИЛОВА.

### Акс садо

## ШАҲРИМИЗДА САЙЛГОҲЛАР КЎПАЙСИН

**Биз азиз оқшомхонлардан шаҳарсозликнинг барча талабларига жавоб берадиган кўча ҳақида ўз таклифларини билдириб, уни шаҳар сайлгоҳига айлантириш бўйича ўз фикрларини сўраган эдик. Редакция газетхонлардан ана шу мазмунда жуда кўплаб хатлар олди. Қуйида мактубларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

### Менга жуда маъқул

«Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 18 июль сонидаги Узбекистон ССР халқ ёзувчиси Раҳмат Файзийнинг «Тошкент оқшомининг минг фаввораси» мақоласи менга жуда маъқул бўлди. Орзуга айб йўқ деганларидек от-уловсиз, аравасиз, машина-трамвайсиз кўчада сайлгоҳ барпо этиш ҳақидаги таклиф жуда яхши бўлган. Ҳақиқатан ҳам Ўрдадан Чорсу майдонигача масофани эгаллаган, мавлоно Навоий номли кўча сайлгоҳга айлантирилса жуда яхши бўларди. Аммо бу ердан қатновчи транспортларни бошқа кўчага олиб ташлаш масаласини жиддий ўйлаш керак. Навоий кўчасида сайлгоҳ ташкил этилишига мен мутлақо қўшиламан.

М. АЮПОВ,
хизматчи.

### Ҳамма миннатдор

Яқинда бизнинг Фрунзе районимиздаги Тўқимачилар маданият саройи олдида Карл Маркс кўчасидаги каби сайлгоҳ ташкил этилди. Бир-икки кун олдин ишлаб турган корхонамизда радио орқали ана шу ерда савдо ва ўйин-кулги кечаси, концертлар ташкил этилишини эълон қилишди. Мен набирам Динорани олиб шу ерга ташриф буюрдим. Карнай-сурнайлар садоси остида бошланган сайл фақат менда эмас, шу ерга келган бошқа ҳамкасбларимда ҳам жуда катта таассурот қолдирди. Биз бу ердаги ҳар хил савдо шохобчаларидан ўзимиз учун керакли бўлган кийим-кечакларни, сабзавот ва меваларни харид қилдик. Бундай сайлгоҳларнинг ташкил этилиши бизнинг қимматли вақтимизни тежаш билан бирга дам олишимизга ҳам қулай шароит яратади. Барчага манзур бўладиган ана шундай сайлгоҳларни ҳар бир районда ташкил этиш керак.

Д. МАВЛОНОВА,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси.

### Манзур бўлди

Карл Маркс кўчасида ҳар шанба ва якшанба кунлари ярмарка ташкил этилаётганлигини эшитиб ўша ерга борган эдим. Фарзандларимга ҳар хил кийим-кечаклар харид қилиб, кичкинтойларимга музқаймоқ олиб бериб, олам-олам қувонч билан қайтдик.

Газетада ёзишаётганидек ана шундай сайлгоҳларни ҳар бир районда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ўйлайманки, бизнинг Октябрь районимиздаги энг гавжум жойлардан бирида ана шундай сайлгоҳлар очилади. Ана шунда биз ўзимиз ва болаларимиз учун керакли бўлган кийим-бошларни қидириб юрмасдан ана шундай ярмаркалардан харид қилиб, дам олиб қайтамиз.

М. ИСХОҚОВА,
кўп болали она.

### Тошкент фонтанлари

Мен мамлакатимизнинг жуда кўп шаҳарларида бўлганман. Бизнинг шаҳримиздек фонтанларга бой жой камдан-кам топилади. Сайлгоҳларни ана шу фавворалар атрофида ташкил этиш масаласини бир ўйлаб кўриш керак. Чунки бизнинг ёзимиз жуда иссиқ бўлади. Кўпчилик ҳамшаҳарларимиз кўп қаватли турар жой биноларида яшашиб, кечки пайт куннинг иссиқлигидан ўзларини қаёққа қўйишни билишмайди. Ана шундай вақтда фавворалар атрофида сайр қилиш инсон саломатлигини яхшилаш билан бирга, мириқиб дам олишни таъминлайди.

Мана ҳозир В. И. Ленин майдони яқинидаги 20 қаватли бинонинг паст тарафида жойлашган фавворалар атрофида музқаймоқ билан савдо қилинмоқда. Кўпчилик ҳамшаҳарларимиз бу ерда ўтириб мириқиб дам олиш билан бирга ширин-шакар музқаймоқлардан ейишади. Болаларни айтмайсизми? Улар фавворалар атрофида ўйнаб-кулишиб шунақанги яйрашадики, ота-оналари уларнинг қувонаётганлигини кўриб севинишади. Шунинг учун бирдан-бир истагим сайлгоҳларнинг фавворалар атрофида ташкил этилишидир.

М. ҚОРИЕВ,
хизматчи.

### Кўнгилдаги гап

Яқинда уйимизга меҳмон чақиришга тўғри келиб қолди. Қизимиз Гулнозанинг дугоналари йиғилишиб ўтирадиган бўлишди. Шунда бирдан эсимга Карл Маркс кўчасида ташкил этилган ярмарка тушди. Бу ерга келиб зиёфат учун керакли бўлган ҳар хил ширинликларни, шарбатларни ва масаллиқларни бир жойдан харид қилиб кетдим. Магазинма-магазин югуриб вақтим ҳам кетмади.

Хуллас менга бундай ярмаркаларнинг ташкил этилганлиги жуда маъқул. Аммо ана шундай ўзига хос сайлгоҳлар шаҳримизнинг бошқа районларида ҳам ташкил этилиши керак. Негадир бошқа районларда бу ҳақда ўйлашмаётир. Ўзим Қорақамиш массивида тураман. Шу сабабли шаҳар марказига келиб-кетишга анча қийналдим. Агарда бундай сайлгоҳ Собир Раҳимов районида бўлганида унчалик қийналмасдим.

А. НУРМУҲАМЕДОВ,
хизматчи.

### Ахлоқ мавзуида

# НОТАНИШ АЁЛ

(Бўлган воқеа)

Хизмат юзасидан Наманган шаҳрига командировкага бориб қолдим. У ерда мўлжалдаги ишларни битиргач, Тошкентга қайтиш учун аэропортга келдим. Ёнимда мен билан бирга ишлайдиган дугонам ҳам бор эди.

Қиш пайти. Ташқари совуқ. Аэропорт биноси одамлар билан лиқ тўла. Ҳамма ўз рейсини кутиб ўтирибди. Радиодан рейсларнинг кейинга сурилаётгани тўғрисидаги хабарларни тез-тез эълон қилиб туришибди. Биз учадиган самолёт ҳам 3 соат кейин учишини айтишди.

Рейси эълон қилинганлар туриши билан бошқа одамлар улар ўрнини эгаллашга ошиқарди. Шундай дақиқалардан бирида биз ҳам ўзимизга жой топиб олдик.

Дугонам билан командировка таассуротлари ҳақида гаплашиб ўтирардик. Вақти-вақти билан диспетчернинг олдига бориб, самолёт қачон учишини ё мен, ёки шеригим суриштириб келардик. Бу суриштиришлар диспетчернинг жонига тегди шекилли, «Ҳеч нарса билмайман, кутинглар» дея қўполлик билан жавоб қилди.

Дугонам: «Нафасим сиқилиб кетди, ташқарига чиқиб, бир айланиб келайлик», — деди. Мен унинг таклифига розилигимни, бироқ кейин жойсиз қолишимизни айтдим. Сиз чиқиб келаверинг, мен ўтириб тураман»,— дедим. Дугонам кетганида унинг ўрнига бир аёл келиб ўтирди ва мен билан астагина саломлашди. Нотаниш аёлга мен ҳам салом бердим. Орага сукунат чўкди. Индамай ўтириш менга ғалати туюлди.

— Бировни кутишга чиқдингизми! — оҳиста сўрадим ундан.

— Йўқ, ҳеч кимни кутмаяпман, — деди у хўрсиниб.

Шунда мен аёлнинг юзига ялт этиб қарадим. Унинг кўзлари олазарак эди. Бу аёлнинг қандайдир бир ташвиш билан банд эканлигини сездим. У тивит рўмолини шундай ўраб олган эдики, икки кўзидан бошқа жойи кўринмасди. Аёл менинг ортиқча саволимни кутмай, рўмолини бўшатиб, юзини очди.

— Мана, менинг юзимга қаранг, опажон, кимдан камман! Юзимни беркитиб ўтирганимга ҳайрон бўлманг, мени бу ерда танийдиганлар кўп. Иснод қиламан. Анави буфетчи йигит ҳам таниш, менда ўқиган. Мактабда ўқитувчиман.

— Нима гап ўзи! — сўрадим мен ҳайрон бўлиб.

Нотаниш аёл бўлган воқеани ҳикоя қила кетди:

— Эрим бир аёл билан юради, ҳозир ўшани кузатиб чиқиши керак. Оти Феруза. Тошкентдаги буфетлардан бирида ишлар экан. Мен ўша аёлни кўриб, икки оғиз сўз айтмоқчиман, холос. Кейин нима бўлса бўлсин, — деди у хўрсиниб, сўнг гапида давом этди:

— Эримнинг оти Қодир. Ўзи жуда келишган, баланд бўйли. Мен унинг шу аёл билан юришини ўтган йили сезган эдим. У Трускавецга курортга кетиб, эллик кун деганда келди. Кейин Тошкентдан тез-тез қўнғироқ бўлиб турди. Қодирнинг ўртоқлариникига бориши, уларнинг уйида ётиб қолиши кўпайиб кетди.

Бир куни эрталаб уни бир ўртоғи сўраб келди. Мен ҳайрон бўлиб: «Қодир кеча кечқурун сизникига кетган-ку», — дедим. У ҳазил қилмаслигимни, ўзи ҳозир Тошкентдан келаётганини ва Қодирни кўриши зарурлигини айтди. Мен қанчалик оғир бўлмасин, ўзимни тутишга уриндим ва унга: «Ҳазиллашдим, бошқа ўртоғиникига кетган», — дедим.

Шу куни кечқурун Қодир келганда ҳеч нарсани билмагандай бўлиб юрдим. У ҳам мени ҳеч нарсадан хабари йўқ деб ўйлади.

Бу сафарги воқеа шундай бошланди. Янги йил арафасида Тошкентдан қўнғироқ бўлди. Трубкани олдим, аёл кишининг овози эшитилди, у Қодирни сўради. Мен эрим уйда йўқлигини айтдим ва унда нима иши борлигини сўрадим. У Қодирни янги йил билан табриклашини ва яна бошқа зарур иши борлигини айтди. «Нима ишингиз бор эди, менга айтаверинг», — десам, «Нега бунча суриштирасиз, эрингиз менга керак эмас, ўзингизга буюрсин», — деди-да, трубкани тақ этиб қўйиб қўйди.

Ўша куни кечқурун яна қўнғироқ бўлди. Бу гал трубкани Қодир олди. Қисқа-қисқа жавоблар билан «ҳа», «йўқ», «хўп бўлади» каби сўзларни ишлатиб, гапни тамомлади ва менга дуч келмасликка ҳаракат қилди, ишда чарчаганини ва кириб ухлашини айтди. Мен ҳам эртанги дарс планини тузиб, ухлашга кириб кетдим, бироқ ҳеч ухлай олмадим. Хаёлимни аллақандай нарсалар чулғаб олган эди. Наҳотки ўша аёл бўлса деб, бир куни уйимга меҳмон бўлиб келган аёлни эсладим. У аёлни Қодир: «Танишинг, Ферузахон, тошкентлик ўртоғимнинг хотини», — деб таништирган эди. Ушанда мен ярим кечагача турли овқатларни пишириб, Ферузахонни хурсанд қилиш билан овора бўлдим. Қодир эса у билан оз-оздан ичиб, хушчақчақлик билан гаплашиб ўтирди. Шу куни уларнинг ножўя қилиғини сезиб қолдим ва аёлнинг тезда чиқиб кетишини ва иккинчи бу ерга келмаслигини айтдим. Эрим мени тинчитмоқчи бўлди, сўнг аёлни кузатгани олиб кетди.

Тун алламаҳалга борганда улар бирга қайтиб келишди. «Нега жўнатмадингиз», десам, «Қизиқмисан, самолёт ҳам, поезд ҳам йўқ экан, ярим кечада аёл киши қаёққа боради!» деди у.

Мен эрталаб туриб, ким бўлишидан қатъий назар, меҳмонку дедимда, яхшилаб шўрва қилдим. Ҳаммамизга сузиб олиб кирдим. Бироқ «меҳмон» шўрвага қарамади. «Шўрвани ичинг» десам, «Опажон, балки шўрвага заҳар солиб қўйгандирсиз!» деди. Қанчалик жаҳлим чиқмасин, ўзимни босдим. Шу куни Қодир меҳмонни кузатиб қўйди...

Бугун тонг отиши билан уйғондим. Энди ўрнимдан турай десам, Қодир: «Ҳали эрта, яна бироз ухла, нима ишинг қолиб кетяпти!» деб мени яна бироз ётишга ундади. Мен ҳам кечаси яхши ухламаганим туфайли бироз ётсам ётақолай деб, турмай қўяқолдим. Кўзим илиниб кетган экан, бир маҳал шовуллаган товуш қулоғимга чалинди. Ўрнимдан туриб қарасам, Қодирнинг ички кийимлари ерда, соқол оладиган асбоби жойига қўйилмаган. Шкафни очиб қарасам, янги кийимлари йўқ. Ҳаммаси аниқ. Демак, кечаги қўнғироқ орқали учрашишни келишиб олган.

Юрагим сиқилиб, тез-тез кийиндим, болаларни боғчага, мактабга жўнатиб, ишга отландим. Йўлда бир таниш аёл учраб Тошкентдан келаётганини, Қодир аэропортда кимнидир кутиб олганини айтди. Хаёлимга дарров Феруза келди. Наҳотки яна у билан учрашган бўлса!! Мен ишимга шошилдим. Ишда соғлиғим ёмонлигидан шикоят қилиб, бугун дарсга бошқа ўқитувчи кириб туришини илтимос қилдим. Мактаб директори менинг аҳволимга ачиниб уйга боришимга рухсат берди.

Мен тўғри эримнинг ишхонасига бордим. У ишда йўқ эди. Ходимлари: «Зарур иш билан районга кетдилар», — дейишди.

Демак, у кечгача Феруза билан бўлиб, ҳозир уни кузатгани олиб чиқади. Мен уруш-жанжал қилиб ўтирмайман. Фақат иккаласига айтадиган гапим бор ...

Аёл жим бўлиб қолди. Кўз ёшларини рўмолчаси билан артар экан, менга юзланиб деди:

—Мени кечиринг, Сизга дардимни айтиб, юрагимни бироз бўшатиб олдим.

—Ҳечқиси йўқ, хафа бўлманг, — дея тасалли бердим унга.

Шу пайт рўпарамизда тўсатдан унинг эри пайдо бўлди. У ўпкаси тўлганича хотинининг бошига бошини қўйди. Нима бўлганини тушуна олмай ҳанг-манг бўлиб қолдим. Хотини ҳам ҳайрон.

—Мени кечир, мен аҳмоқлик қилдим, мени кечир, —. дея ёлворарди Қодир хотинининг юзларини силаб.

Хотини эса нима воқеа рўй берганини сўрашга ҳам қўрқиб, жимгина турарди.

—Биласанми нима, Феруза мени алдади, машина оламан деб йиғиб қўйган 10 минг сўм пулимни шилиб кетди. У фирибгар экан. Қандай қилиб унинг тузоғига тушиб қолганимни ўзим ҳам билмайман.

— Ажаб бўпти! — деди хотини ғазаб билан. —Ёмон йўлга юрганнинг жазоси шу бўлади! Аёл кета бошлади, унинг ортидан эри ҳам эргашди. Улар ташқарига чиқиб, то кўздан ғойиб бўлгунча тикилиб қараб қолдим.

Шу пайт дугонам мени туртиб:

— Ҳой, нега қараб турибсиз, бизнинг рейсимизни эълон қилишди, юринг, кетдик, — деди.

Иккаламиз самолёт томон югурдик.

Манзура ЙЎЛДОШЕВА,
инженер.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ

